

МАВЗУ: Амалий касбий
таълимдада қўлланиладиган
илмий тадқиқот методлари,
шакллари ва воситалари.



РЕЖА:

1. Илмий педагогик изланишлари жараёнининг босқичлари
2. Илмий педагогик тадқиқот усулларининг илмий манбаларни ўрганишдаги ўрни
3. Касбий педагогикада қўлланиладиган илмий тадқиқот усуллари ва уларнинг мазмуни

Тавсия этилган адабиётлар:

- 1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни. Т. “Ўзбекистон” 1997 йил 29 август
- 2 Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури 1997 йил 29 август
- 3. И.А.Каримов “Юксак маънавият енгилмас куч” Т. “Маънавият” 2008
- 4. Avazboev. A. I., Ismadiyarov. Y. U. Kasbiy pedagogika, Cho'lpon, 2014 yil.
- 5. Olimov. Q. T. Kasb ta'limi uslubiyati. O'quv qo'llanma. – Т.: 2006.
- 6. Ibragimov X, Abdullaeva Sh. Pedagogika nazariyasi. Т., 2008 yil.
- 7. Abdiquddusov. O., Rashidov. H. Kasb-xunar ta'limi pedagogikasi. O'quv qo'llanma. O'MKHTTKMOvaUQT instituti, Т. – 2009. 120 b.

Mavzu bo'yicha tayanch so'zlar:

Tarbiya jarayoni, ilmiy-pedagogik tadqiqot, metod, mutahassislik, pedagogik kuzatish, suhbat, test, so'rovnomalar, xujjatlarni tahlil qilish,eksperiment, statistika ma'lumotlar,sotsiologik tadqiqotlar va boshqalar.

Педагогик *илмий-тадқиқот*
методлар шахсни тарбиялаш, унга
муайян йўналишларда чуқур, пухта
илмий билимларни бериш
тамойиллари, объекти ва субъектив
омилларини аниқловчи педагогик
жараённинг ички моҳияти, алоқа ва
қонуниятларини махсус текшириш ва
билиш усуллари дир.

Педагогик илмий тадқиқотларни амалга ошириш мураккаб, муайян муддатни тақозо этувчи, изчиллик, узлуксизлик, тизимлилик ҳамда аниқ мақсад каби хусусиятларга эга бўлган жараён бўлиб, унинг самарали бўлиши учун бир қатор шартларга риоя этиш зарур. Улар қуйидагилардир:

- 1. муаммонинг долзарблиги ва мавзунинг аниқ белгиланганлиги;*
- 2. илмий фаразларнинг тўғри шакллантирилганлиги;*
- 3. вазифаларнинг тадқиқот мақсади асосида тўғри белгиланганлиги;*
- 4. тадқиқот методлар тизимига нисбатан объектив ёндашув;*
- 5. тажриба-синов ишлари жараёнига жалб этилувчи респондентларнинг ёш, психологик ва шахсий хусусиятлари, шунингдек, шахс ривожланиши қонуниятларининг тўғри ҳисобга олинганлиги;*
- 6. тадқиқот натижаларини олдиндан ташҳисланганлиги ва натижаларнинг башоратланганлиги;*
- 7. тадқиқот натижаларининг кафолатланганлиги.*
- 8. Замонавий шароитда педагогик йўналишда тадқиқотларни олиб боришда қуйидаги методлардан фойдаланилмоқда.*

Педагогик таҳлил. Тадқиқотни олиб бориш жараёнида ушбу методни қўллашдан кўзланган мақсад танланган муаммонинг фалсафий, психологик ҳамда педагогик йўналишларда ўрганилганлик даражасини аниқлашдан иборат бўлиб, тадқиқотчи илгари сураётган ғоянинг назарий жиҳатдан ҳаққонийлигини асослашга хизмат қилади.

Кузатиш усули

Кузатишлар фақат оддий ҳодисаларни кузатиш, айрим далилларни йиғиш, ҳисобга олиш, аниқлаш учунгина эмас, балки таълим тарбия жараёнини яхшилаш ва мукаммаллаштириш мақсадида амалга оширилади.

Табиий кузатиш орқали шахсларнинг билим даражалари, уларнинг хулқ–атворини ва муомалаларидаги ўзгаришларни ҳисобга олиш ва тегишли таълимий-тарбиявий таъсир кўрсатиш йўллари белгилаш учун қўлланилади.

Илмий кузатишлар нафақат шахсларнинг табиий фаолиятини, балки уларнинг илмий дунёқарашларини шаклланиши, фикрлаш жараёни кучи, хулосалар чиқаришдаги фаолликларини аниқлайди, уларни таҳлил қилади.

Суҳбат. Бу метод педагогик кузатиш жараёнида эга бўлинган маълумотларни бойитиш, мавжуд ҳолатга тўғри баҳо бериш, муаммонинг ечимини топишга имкон берувчи педагогик шарт-шароитларни яратиш, тажриба-синов ишлари субъектлари имкониятларини муаммо ечимига жалб этишга ёрдам беради. Суҳбат мақсадга мувофиқ ҳолда индивидуал, гуруҳли ҳамда оммавий шаклда ўтказилади. Суҳбат жараёнида респондентларнинг имкониятлари тўла-тўқис намоён билишга эришиш муҳимдир

Анкета (французча “текшириш”). Ушбу метод ёрдамида педагогик кузатиш ва суҳбат жараёнида тўпланган далиллар бойитилади. Анкета методи ҳам тизимланган саволлар асосида респондентлар билан мулоқотни ташкил этишга асосланади. Анкета саволларига жавоблар, кўп ҳолларда, ёзма равишда олинади. Таркибига ўрганилаётган жараён моҳиятидан келиб чиққан ҳолда анкета саволлари қуйидагича бўлади:

1. очик турдаги саволлар (респондентларнинг эркин, бафсил жавоб беришлари учун имкон берувчи саволлар);

2. ёпиқ турдаги саволлар (респондентлар “ҳа”, “йўқ”, “қисман” ёки “ижобий”, “қониқарли”, “салбий” ва ҳоказо тарздаги жавоб вариантларини танлаш орқали саволларга жавоб берадилар).

Интервью респондент томонидан тадқиқ этилаётган муаммонинг у ёки бу жиҳатини ёритувчи ҳодисага нисбатан муносабат билдирилишини таъминлайди. Интервью респондент эътиборига туркум саволларни ҳавола этиш асосида ўтказилади. Интервью жараёнида олинган саволларга нисбатан тадқиқотчи томонидан муносабат билдирилиши унинг самарасини оширади.

Тест. Ушбу метод респондентлар томонидан муайян фан соҳаси ёки фаолият (шу жумладан, касбий фаолият) бўйича ўзлаштирилган назарий билим ва амалий кўникма, малакалар даражасини аниқлашга хизмат қилади. Тест ўз моҳиятига кўра қуйидаги саволлардан иборат:

1) очик турдаги саволлар (респондентларнинг эркин, бафсил жавоб беришлари учун имкон берувчи саволлар);

2) ёпиқ турдаги саволлар (респондентлар “ҳа”, “йўқ”, “қисман” ёки “ижобий”, “қониқарли”, “салбий” ва ҳоказо тарздаги жавоб вариантларини танлаш орқали саволларга жавоб берадилар).

3) тўғри жавоб вариантлари қайд этилган саволлар (респондентлар ўз ёндашувларига кўра тўғри деб топган жавоб вариантыни белгилайдилар).

Эксперимент-тажриба-синов усули

Экспериментал-тажриба ишлари асосан таълим-тарбия жараёнига алоқадор илмий фараз ёки амалий ишларнинг тадбиқи жараёнларини текшириш, аниқлаш мақсадида ўтказилади.

Эксперимент-тажриба-синов усули шароитга қараб 3 хил ўтказилади:

- 1) табиий эксперимент;
- 2) лаборатория эксперименти;
- 3) амалий тажриба.

Эксперимент-тажриба ишларини ўтказишда қуйидаги талаблар мавжуд:

- 1) Ишнинг аниқ илмий жиҳатдан асосланган фаразини аниқлаш ва кутилиши лозим бўлган натижа учун режа белгилаш лозим.
- 2) Илмий иш ёки педагогик фаолият учун аниқ объект белгилаш; амалга ошириш борасида қўшимча усулларни аниқлаш;
- 3) Тажриба иши ўтказиш вақтини ва муддатини белгилаш;
- 4) Тажриба учун лозим бўлган асбоб-ускуна ва ҳоказоларнинг тайёр туриши;
- 5) Эксперимент натижаларини зудлик билан таҳлил қилиш, тегишли хулоса чиқариш ва тавсиялар бериш керак